

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.31/31.12.2020.Үн.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ  
АКАДЕМИЯСИ**

**ХАКНАЗАРОВ ШАВКАТ**

**СУДНИНГ ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ ИШТИРОКЧИЛАРИ  
ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШИ МАСАЛАЛАРИ**

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқи ва суд экспертизаси

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Хакназаров Шавкат**

Суднинг жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш масалалари ..... 3

**Хакназаров Шавкат**

Вопросы суда по обеспечения безопасности участников судебного уголовного производства ..... 27

**Khaknazarov Shavkat**

Questions of the court on ensuring the safety of participants in judicial criminal proceedings ..... 49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 53

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.31/31.12.2020.Үн.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ  
АКАДЕМИЯСИ**

**ХАКНАЗАРОВ ШАВКАТ**

**СУДНИНГ ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ ИШТИРОКЧИЛАРИ  
ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШИ МАСАЛАЛАРИ**

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқи ва суд экспертизаси

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.1.PhD/Үу992 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактабида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<https://proacademy.uz>) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Довудова Дилзода Сулаймановна**  
юримдик фанлари бўйича фалсафа доктори  
(PhD), доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Пўлатов Бахтиёр Халилович**  
юримдик фанлар доктори, профессор

**Тулаганова Гулчехра Захитовна**  
юримдик фанлар доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги  
қошидаги Юристлар малакасини ошириш  
маркази**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.Үу.67.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил « 2 » август куни соат 14:30 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент ш., Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 42. Тел.:(99871) 202-04-96; факс: (998971) 233-35-81; e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (26-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент ш., Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 42. Тел.:(99871) 202-04-96).

Диссертация автореферати 2023 йил « 21» июль куни тарқатилди.

(2023 йил 21 июлдаги 6-рақамли реестр баённомаси).

**М.М. Мамасиддиқов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,  
юримдик фанлар доктори, профессор

**Ш.И.Шайзақов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий  
қотиби, ю.ф.ф.д (PhD), доцент

**М.А.Аминжонова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, юримдик фанлар  
доктори (DSc), профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда жиноят ишлари бўйича судларда суд иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш масалаларига жиддий эътибор қаратиб келинмоқда, чунки одил судловни амалга оширишнинг муҳим шартлари жиноят иши материалларини кўриб чиқишда иштирокчилар хавфсизлигини таъминлаш суд томонидан далилларни текшириш ва адолатли суд қарорларини қабул қилишда муҳим ҳисобланади. БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашга оид Конвенцияси, уни тўлдирувчи протоколларда иштирокчи давлатлар суд процесси иштирокчиларини кўрқитиш, мажбурлаш ва оғдиришга қарши зарур чораларни кўриш ва бу борада халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга чақирилган<sup>1</sup>, суд процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашга оид дастурлар қабул қилиш ва уни бажаришга алоҳида эътибор қаратилган. Халқаро экспертларнинг маълумотларига кўра, ҳар йили жиноят ишларини тергов қилиш ва судда юритиш доирасига тахминан 55 миллионга яқин жабрланувчи, гувоҳлар жалб қилинади. БМТнинг наркотиклар ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бошқармасининг уюшган жиноятчилик билан боғлиқ жиноят ишларини юритишда гувоҳ, жабрланувчи ва судланувчиларнинг хавфсизлигини таъминлашга оид тавсияларида иштирок этувчи 40 та давлатдан гувоҳларнинг хавфсизлигини таъминлашни назарда тутувчи дастурлари ўрганилганда 33% давлатларда бундай дастурлар мавжуд эканлиги, 9% давлатларда дастурлар шакллантириш жараёнида эканлиги, 42% давлатларда бошқа тарздаги хавфсизлик чоралари мавжудлиги, 16% давлатларда ҳимоя чоралари мавжуд эмаслиги аниқланган<sup>2</sup>.

Жаҳонда гувоҳ, жабрланувчи ва судланувчиларнинг процессуал мақомини такомиллаштириш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларни ҳимоя қилиш дастурларини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш, халқаро стандартларга мувофиқ суд-тергов фаолиятини йўлга қўйиш, дастлабки тергов ва суд жараёнида гувоҳлар, жабрланувчи ва судланувчилар кўрсатувларининг ишончилигини таъминлашга оид илмий изланишлар олиб бориш, қонунчилиқни такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Республикамиз жиноят процессуал қонунчилигида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш чоралари белгиланган бўлиб, жиноят ишлари бўйича одил судловни амалга оширишнинг муҳим кафолатлари ҳисобланади. Суд фаолиятида гувоҳ ҳам, жабрланувчи ҳам, гумон қилинувчи ҳам ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиши зарур, бу эса махсус юридик институтлар ва процессуал механизмларни ишлаб чиқиши зарурати мавжудлигидан далолат беради.

Суд фаолиятида юзага келадиган жиноят-процессуал хавфсизлик чоралари тизимини амалга ошириш механизми, жиноят процессида суд

<sup>1</sup> Конвенция Организации Объединенных Наций против транснациональной организованной преступности. <https://lex.uz/docs/1304112>

<sup>2</sup> Рекомендательные виды практики в области защиты свидетелей при производстве по уголовным делам, касающимся организованной преступности. Управление Организации Объединенных Наций по наркотикам и преступности. [https://www.unodc.org/documents/organized-crime/V085336620Practices%20\(R\).pdf](https://www.unodc.org/documents/organized-crime/V085336620Practices%20(R).pdf)

томонидан уларни амалга ошириш асослари ва шартларини белгилашга оид муаммолар, жиноят-процессуал муносабатлар моделларига мансубликдан ҳамда ижтимоий-ҳуқуқий ривожланганлик даражасидан қатъи назар, барча мамлакатларнинг жиноят-процессуал ҳуқуқи учун долзарб масалалар сирасига киради. 2022– 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “Қонун – устувор, жазо – муқаррар” тамойили бу борадаги ислохотларнинг бош мезонга айлантириш белгиланди<sup>3</sup>.

Мамлакатимизда ҳам ҳар йили 60 мингга яқин жиноят ишлари кўзғатилади, улардан 45-50 мингдан ортиқ ишлар судларга юборилади<sup>4</sup>. Суд муҳокамаси жараёнида тахминан тўрт-беш нафар гувоҳ, жабрланувчи ва судланувчи суд томонидан сўроқ қилинади, йилига тахминан икки юз эллик минг нафарга яқин киши жиноят ишларини юритиш вақтида гувоҳ, жабрланувчи, судланувчи сифатида иштирок этади. Худди шу маълумотлар тадқиқот мавзусининг муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Шу боис, мавзуга доир суд процесси иштирокчиларининг процессуал-ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқларини амалга ошириш ҳамда мажбуриятларини бажариш, уларнинг хавфсизлигини процессуал таъминлашга оид муаммоларни диссертация даражасида таҳлил қилиш долзарб масала эканлигидан далолат беради.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (1994), Жиноят кодекси (1994), “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни (2019), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2016), “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (2018), “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилик тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2018), “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2020), “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги (2022), “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2023) Фармонлари ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Диссертация тадқиқотининг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/5841063>

<sup>4</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2022 йилдаги статистик маълумотлари // <https://sud.uz>

йўналиши доирасида амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикамиз олимларидан Ф.А. Абдумажидов, М.Х. Рустамбаев, Б.П. Пўлатов, З.Ф. Иноғомжонова, Р.А. Зуфаров, Р. Қабулов, Д.М. Миразов, Ф.М. Мухитдинов, С.М. Рахмонова, У.А.Тухташева, Г.З. Тўлаганова, Қ.Қ. Маткаримов, А. Алламурастов, Д. Суёнова, Б.А. Мўминов, И. Астанов, Д.Б. Базарова томонидан тайёрланган илмий ишларда гувоҳ, жабрланувчи ва жиноят процесси бошқа иштирокчиларининг процессуал-ҳуқуқий мақомининг айрим жиҳатлари тадқиқ қилинган.

Жумладан, Д. Тўраева жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш механизмини такомиллаштириш (2020), А.Пўлатов гувоҳ мақомини такомиллаштиришнинг илмий-назарий жиҳатлари (2022), Д. Базарова жиноят процессида шахс ҳуқуқларининг кафолатлари (2023) муаммоларни ўрганганлар.

МДҲга аъзо мамлакатларнинг – А.А. Дмитриева, Т.Р. Мухаметшин, Р.М. Рамазанов, Л.М. Карнеева, Е.А. Дикусар, А.В. Макеева, А.А. Тимошенко, Н.Е. Павлова, Н.И. Порубова каби олимлари гувоҳнинг процессуал мақоми, унинг исботлаш фаолиятидаги иштирокининг шакли, мазмун ва моҳиятига бағишланган тадқиқот ишлари олиб борганлар. Шу билан бирга, Р.М. Рамазанов, И.Л. Петрухин, С.М. Апарин, В.Л. Будников, С.В. Лукошкина, С.Ю. Никитин, М.П. Фадеева, М.Э. Каац, В.И. Афанасьева, А.В. Тисен, В.Н. Уруков, Н.Ю. Литвинцева, М.М. Шейфер, Л.В. Брусницин, О.В. Химичева, А.Ю. Епихин, О.А. Зайцев, Л.В. Головкин, В.И. Крайнов ва бошқаларнинг мавзуга оид ишларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим<sup>5</sup>.

P.L.Vinna (П.Л. Винна), M.E.Kaatz (М.Е. Каац), V.Kostovsky (В. Костовски), B.Habers (Б. Хаберс), A.Ashworth (А. Ашворз), A.N.Akhpanova (А. Акпанова), P.L.Vigna (П. Л. Вигна), N.S.Karпова (Н. С. Каспарова), H.K.Murphy (Х.К. Мэрфи), D.V.Norf (Д. В. Норф), E.Pearson (Е. Пирсон), P.Finn (П. Финн) ва бошқаларнинг тадқиқотларида суд процесси иштирокчиларнинг хавфсизлигини таъминлашнинг айрим масалалари кўриб чиқилган.

Мазкур тадқиқотлар таҳлилидан кўриш мумкинки, уларнинг аксар қисми мамлакатимиз ЖПК қабул қилингунга қадар амалга оширилган ва ушбу тадқиқотларда суднинг жиноят процесси иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаши масалалари монографик тарзда тадқиқ этилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган ҳамда “Одил судловни амалга ошириш муаммолари” мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** мамлакатимиз одил судлов соҳасидаги жабрланувчи, гувоҳ ёки ишда иштирок этаётган бошқа шахсларлари

<sup>5</sup>Ушбу олимлар асарлари фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ ҳуқуқий нормаларни таҳлил қилиш, бу соҳадаги илмий-амалий концептуал ёндашувларни ривожлантиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

жиноят процесси иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш чораларини қўллаш асослари ва тартибини тадқиқ қилиш;

жиноят процесси иштирокчиларига оид маълумотларни сир сақлаш асослари ва тартибини таҳлил қилиш;

жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ принциплар тизимини такомиллаштириш чораларини аниқлаш;

тахаллус остида қатнашаётган шахсларнинг кўрсатмаларидан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилиш;

дастлабки тергов босқичида тахаллус остидаги шахсларни сўроқ қилиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш белгиларини аниқлаш;

суд муҳокамасини тайёрлаш босқичида хавфсизлик чораларини қўллашнинг умумий тавсифини очиқ бериш;

ёпиқ суд мажлиси босқичида тахаллус остидаги шахсларни сўроқ қилишнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилиш;

суд босқичида процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш борасидаги илғор хорижий тажрибани ўрганиш;

амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, қонунни қўллаш амалиётини яхшилаш юзасидан таклиф ва тавсиялар тайёрлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** суднинг жиноят процесси иштирокчилари хавфсизлигини таъминлашда юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** жиноят иши иштирокчиларига нисбатан хавфсизлик чораларини қўллаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи миллий, халқаро ва хорижий мамлакатлар қонун нормаларининг ривожланиш йўналишлари, суд-тергов амалиёти ҳамда тахаллус остидаги шахслар ва жиноят процессининг бошқа иштирокига оид илмий-назарий қараш ва ёндашувлар ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот ишини ёзишда формал мантиқ, тизимийлик, тарихий ривожланиш, қиёсий-ҳуқуқий, амалиётда юритилган жиноят ишларининг ҳамда статистик маълумотларнинг таҳлили, социологик сўровлар ўтказиш каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

терговга қадар текширув, суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов ёхуд ишни судда кўриш чоғида ёлғон кўрсатмалар бериш учун жиноят процесси иштирокчиларни пора эвазига оғдириб олиш ёки уларнинг яқин қариндошларига руҳий, психологик, жисмоний таъсир ёхуд ёлғон кўрсатма беришга мажбурлаш ёки ундаш процесс иштирокчилари хавфсизлигига таҳдид қилувчи омил эканлиги асослангирилиб берилган;

тезкор-қидирув тадбири амалда яқунланган пайтдан бошлаб иштирокчилар билан боғлиқ процессуал ҳаракатлар амалга оширилгунига



қадар уни ҳимоячи билан холи учрашишини ташкил қилиш, процесс иштирокчилари хавфсизлигини таъминланишда муҳимлиги асослантирилган;

кўрсатмаларни олдиндан мустаҳкамлаш жараёнида жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигига таҳдид соладиган ёки руҳий ҳолатига таъсир қилиш эҳтимолини олдини олиш мақсадида гумон қилинувчини, айбланувчини суд мажлисига киритилмаслигини назарда тутувчи механизм такомиллаштирилиши зарурати илмий асослантирилган;

таниб олинувчининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида шахсни таниб олиш учун кўрсатиш жиноят ишини юритаётган мансабдор шахснинг қарорига кўра таниб олинувчининг таниб олувчини кўриб туриши истисно этиладиган шароитларда ўтказилишини жорий қилиш муҳимлиги асослантирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан тегишли таклифлар ишлаб чиқилган;

жиноят процесси иштирокчиларини хавфсизлигини таъминлаш чоралари нафақат ЖПК асосида балки, процессуал бўлмаган, масалан терговга қадар текширувни амалга ошираётган органлар восита ва усуллари орқали олинган маълумотлар асосида ҳам амалга оширилиши мумкинлиги ҳақида хулоса шакллантирилган;

суд фаолиятида жиноят процесси иштирокчиларининг конституциявий ва бошқа қонунларида кафолатланган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича комплекс чораларини кўриш ҳамда хавфсиз иштирок этиш учун барча шарт шароитлар яратиш лозимлиги тўғрисидаги таклифлар ишлаб чиқилган;

Жиноят процессида иштирок этувчи шахсларга нисбатан ҳимоя чораларини қўллаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида судья ёки суд томонидан қабул қилинадиган қарорини қабул қилишнинг айрим муаммолари ва асосларнинг хусусиятлари, шартлари аниқланган;

миллий, хорижий ва халқаро процессуал-ҳуқуқий нормаларнинг таҳлили асосида жиноят процессида хавфсизлик чоралари деганда, жиноят процесси соҳасида муҳофаза қилинган объектларни таҳдидлардан ҳимоя қилиш ҳолатига эришиш, сақлаш ва таъминлашга қаратилганлиқдир. Шунингдек жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида назарда тутилган, ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан амалга ошириладиган ўзига хос усуллар ҳақидаги муаллифлик таърифи берилган;

судланувчининг тортишув, ошкоралик, тенглик принципига бўлган ҳуқуқи зарурий элемент эканлиги эътироф этилиб, ЖПКнинг ЖПК 29-модданинг биринчи қисмига қўшимча тўлдириш мақсадга мувофиқ: яъни, “Жабрланувчи, гувоҳ ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриб чиқиш” ва ЖПК 442-модданинг иккинчи қисмига “Жабрланувчи, гувоҳ ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини хавфсизлигини таъминлаш зарурати мавжуд бўлганда, суднинг асослантирилган ажрими билан унга берилган

саволларга ёзма равишда жавоб бериш мумкин. Ушбу ҳужжатлар судга тақдим этилади ва жиноят иши ҳужжатларига қўшиб қўйилади” каби мазмун билан тўлдириш ҳақида таклифлар шакллантирилган;

тахаллус остидаги шахсларнинг кўрсатмаларидан далил сифатида фойдаланиш жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тамойилининг элементи эканлиги, тахаллус остида иштирок этиш қарама-қарши томонга шахсга доир маълумотлар билан танишиш ҳуқуқини чеклашни назарда тутади, аммо бу айблов ва ҳимоячи манфаатлари мувозанатини бузмайди ва жиноят ишида далилларни текшириш учун тенг имкониятларни ҳам бериши мумкинлиги асослаб берилган;

гувоҳ сифатида 1) оддий фуқаролар 2) уюшган жинойий гуруҳлар таркибига киритилган шахслар ҳам жалб этилиши мумкин; 3) тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг доимий штатдан ташқари ноошкора ходимлари; 4) тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларига махфийлик асосида ҳамкорлик қилувчи шахслар каби белгилари мавжудлиги ҳақида хулоса шакллантирилган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижалари қонунчилик нормалари, айрим хорижий давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти, жиноят процессуал ҳуқуқи назариясида умумэътироф этилган қоидалар ва бошқа ишончли манбалар, етарли илмий далиллар асосида исботланган.

Жиноят ишларини юритиш жараёнида шахсларнинг хавфсизлиги таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан 300 нафар тезкор қидирув ходими, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судья (Судьялар олий мактаби тингловчилари, мустақил изланувчилар), адвокатлар ҳамда жиноят ишларини юритишда иштирок этаётган жабрланувчилар, гувоҳлар, айбланувчилар, экспертлар орасида сўровлар ўтказилган; тадқиқ этилаётган мавзу билан боғлиқ жиноятларга доир 80 та суд ҳукмлари ўрганилган; статистик маълумотлар таҳлил қилиниб, умумлаштирилган ва тегишли тартибда расмийлаштирилган.

Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация ишининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялардан келгусида илмий фаолиятда, амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришда, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда, суд-тергов органлари фаолиятида, шунингдек жиноят-процессуал ҳуқуқи, тезкор-қидирув ҳуқуқи, далиллар назарияси каби фанларни илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, суд томонидан жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш, судда сўроқ қилиш, суд муҳокамасида процессуал қарор қабул қилиш ва жиноят процессуал хавфсизлик чораларини қўллаш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқишда юзага келиши

мумкин бўлган муаммоларни тушуниш ҳамда уларнинг хавфсизлигини процессуал таъминлаш институтини такомиллаштиришнинг кейинги йўналишларини аниқлаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларидан жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларини ишлаб чиқиш амалиётида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Суднинг жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашдаги фаолиятини кучайтириш йўллари тадқиқ этиш натижалари асосида:

кўрсатмаларни олдиндан мустаҳкамлаш жараёнида гумон қилинувчи, айбланувчининг иштироки гувоҳ ёки жабрланувчи (фуқаровий даъвогар)нинг хавфсизлигига таҳдид соладиган ёки руҳий ҳолатига таъсир қиладиган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи суд мажлисига чақирилмаслиги кераклиги ҳақидаги таклифлардан 2021 йил 18 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни (ЎРҚ–675-сон) 121<sup>4</sup>-моддаси тўртинчи қисмини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг 2023 йил 19 январдаги 06-13/5-сон далолатномаси);

таниб олувчининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида шахсни таниб олиш учун кўрсатиш суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг қарорига кўра таниб олинувчининг таниб олувчини кўриб туриши истисно этиладиган шароитларда ўтказилиши лозимлиги тўғрисидаги таклифлардан 2019 йил 23 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни (ЎРҚ–542-сон) 127-моддаси олтинчи қисмини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг 2023 йил 19 январдаги 06-13/5-сон далолатномаси);

диссертация (PhD) натижалари асосида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси ЖК лойиҳаси 238-моддаси шу жумладан, терговга қадар текширув, суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов ёхуд ишни судда кўриш чоғида ёлғон кўрсатувлар бериш учун гувоҳни ёки жабрланувчини ёки ёлғон хулоса бериш учун экспертни ёхуд нотўғри таржима қилиш учун таржимонни пора эвазига оғдириб олиш, худди шунингдек уларга ёки уларнинг яқин қариндошларига руҳий, психологик, жисмоний таъсир кўрсатиш ёки бошқача тарзда таъсир кўрсатиш орқали ёлғон кўрсатма беришга мажбур қилиш ёки ундаш мумкинлиги оид нормаларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2023 йил 23 январдаги №27/2-14-23-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши далиллар базасини кенгайтириш, жиноят ишлари бўйича исботлаш фаолияти имкониятларини кўпроқ таъминлашга хизмат қилган;

тезкор-қидирув тадбирларининг натижалари фақат қонун талабларига мувофиқ олинган бўлса, қонун нормаларига мувофиқ текширилган ва

баҳоланганидан кейин ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ёки тезкор-қидирув тадбирида иштирок этган бошқа шахсларнинг ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган ҳолда шахсда жиноят содир этиш учун шаклланган қасд мавжуд бўлганлигидан далолат берса, ушбу натижалар далил сифатида тан олиниши мумкинлиги ҳақидаги таклифлардан 2021 йил 18 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни (ЎРҚ–675-сон) 81-моддаси учинчи қисмини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2023 йил 19 январдаги 06-13/5-сон далолатномаси).

**Диссертация тадқиқоти натижаларининг апробацияси.** Ушбу диссертация тадқиқоти натижалари 7 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 4 та халқаро, 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Диссертация тадқиқоти натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, жумладан, 12 та илмий мақола 3 та илмий конференция тўпламлари (шулардан 3 таси хорижий нашрлар)да чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 150 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг **кириш** (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти, тадқиқот ишининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишларига мослиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазибалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг **“Жиноят процессида хавфсизлик чораларини қўллаш асоси”** номли биринчи бобида жабрланувчи, гувоҳ ва судланувчининг хавфсизлигини таъминлаш чораларини қўллаш асослари ва тартиби, жиноят процесси иштирокчиларига оид маълумотларни сир сақлаш асослари ва тартиби, жиноят процесси иштирокчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ принциплар тизимини такомиллаштириш таҳлил қилиниб, уларнинг илмий-назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган.

Диссертантнинг нуктаи назарича, жиноят процесси иштирокчиларини ҳимоя қилиш учун маълум бир шартлар, сабаблар ва асослар мавжуд бўлиши

лозим. Инсон ва фуқароларни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик чораларини қўллашнинг умумий асосларини миллий жинойт процессуал қоидалари белгилайди. Жинойт процесси иштирокчиларига нисбатан хавфсизлик чораларини қўллаш учун асос, бевосита ёки билвосита уларга реал таҳдидни кўрсатувчи маълумотлар мавжуд бўлиши лозим. Шунингдек, "ҳимоя", "хавфсизлик", "муҳофаза" тушунчаларини чегаралаш масалалари кўриб чиқилади, улар орасида ҳуқуқий, жинойт-процессуал ва ахборот жинойт-процессуал хавфсизлигини фарқлаш имконияти мавжудлиги кўрсатилган.

Жиноий таҳдид мавжудлиги ҳақидаги маълумот манбасининг бир нечта асослари мавжуд: 1) жабрланувчи, гувоҳ ва жинойт процессининг бошқа иштирокчиларнинг тегишли илтимосномалари (14.01.2019 йилдаги ЎРҚ-515-сон); 2) белгиланган тартибда иш учун аҳамиятли маълумотлар, телефон ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали суҳбатларни эшитиб туриш ва қайд этиш натижаларини ўз ичига олган ҳужжатлар (ЖПКнинг 169-моддаси); 3) терговга қадар текширувни амалга ошираётган органларнинг жинойт иши бўйича маъсул бўлган шахсга келиши мумкин бўлган хабар (14.01.2019 йилдаги ЎРҚ-515-сон); 4) ва бошқа мумкин бўлган маълумотларни ўз ичига олган жинойт иши материаллар мавжуд ахборотлар (масалан, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг иш ва яшаш жойидан тавсифнома).

Шунингдек, давлат томонидан ҳимоя қилиш чораларини қўллаш сабаблари қуйидагиларни кўрсатиш мумкин. Булар, 1) жабрланувчи, гувоҳ ва жинойт процессининг бошқа иштирокчиларининг аризалари; 2) терговга қадар иш юритувчи орган, дастлабки тергов мансабдор шахси ёки жазони ижро этиш муассасаси, ташкилот раҳбари, тегишли орган раҳбари судга ёзма мурожаат қилганда; 3) шахснинг хавфсизлигини таъминлайдиган орган тезкор ва бошқа маълумотлар олган тақдирда ҳимоя қилишга сабаб бўлади. Айтиш жоизки, бундай маълумотларни тезкор восита ва йўллар орқали олиш мумкин.

Шахсга доир маълумотларни сир сақлашнинг мазмун-моҳияти хавфсизликни таъминлашдир. Ушбу чоралар таҳаллус остида иштирок этаётган шахсларни кўрсатув беришда одил судловга қўмаклашишини таъминлаш ёхуд ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга ёки уларга чек қўйишга қаратилган.

Тадқиқотчи жинойт процессуал хавфсизлик чораларини ўзига хос хусусияти жинойт процессуал қонунчилиги нормаларида назарда тутилган шахснинг (оила аъзолари, яқин қариндошлари) ҳаётий зарур манфаатларини ҳимояланган ҳолати сифатида белгиланади.

Муаллиф жабрланувчи, гувоҳ ва айбланувчининг шахсига доир маълумотларнинг сир сақланишини таснифлаш кўп жиҳатдан катта амалий аҳамиятга эгаллиги очиб берган: биринчидан, жинойт процессида ҳимояланаётган шахслар жинойт процессида хавфсиз иштирок этиш имкониятига эга бўлади; иккинчидан, жинойт процессида фаоллиги ортади; учинчидан, жабрланувчи, гувоҳларнинг суд-терговига келмаслиги, кўрсатма беришдан бош тортиши ва ёлғон кўрсатма бериш ёки кўрсатмаларни ўзгартириши сонининг камайишига олиб келади.

Шу билан бирга, жиноят процесси иштирокчиларига нисбатан хавфсизлик чоралари деганда, қонун ҳужжатларига мувофиқ таҳаллус остида иштирок этаётган шахсларга ғайриқонуний таъсир кўрсатишни олдини олиш мақсадида қўлланиладиган комплекс чора-тадбирлар ҳисобланади. Тадқиқотчи, давлат ҳимояси сифатида қўлланилган хавфсизлик чораси, биринчи навбатда, жиноят процесси иштирокчисини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш (унинг ҳаёти, саломатлиги, мол-мулки (оила аъзолари, яқин кишилари), иккинчи томон ҳуқуқларини амалга ошириш учун энг қулай шарт-шароитларни яратиш лозимлиги қайд этади.

Тадқиқот олиб бориш жараёнида қўлланилган тизимли ёндашув жабрланувчи ва гувоҳнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳуқуқий чораларни таснифлаш имконини берди. Улар қуйидаги гуруҳлар: 1) жиноят-процессуал кодексининг тегишли умумий нормасида бевосита назарда тутилган хавфсизлик чоралари (ЎзР ЖПКнинг 19-модда 3-қисм, 270-модда); бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган хавфсизлик чораларига (масалан, “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎзР Қонуни) ажратилган.

Жиноят ишини юритаётган шахс қарорда ҳимоя чоралари қўлланаётганга уйдирма таҳаллус номи бериш билан бирга, унинг имзоси намунасини кўрсатиш ҳам лозим бўлади. Янги имзо у гувоҳни идентификация қилиб бўлмайдиган даражада бўлиши лозим. Шунинг учун имзода ўзига хос қўл ёзуви яъни ҳақиқий фамилияси, исми ёки отасининг исми бош ҳарфлари хусусиятларидан фойдаланмаслик лозим. Бу жиноят ишини юритувчи мансабдор шахс томонидан алоҳида назоратга олиниши керак.

Шу билан бирга, тадқиқот ишида одил судловни амалга оширишга қаратилган халқаро ҳужжатларда, МДҲга аъзо мамлакатлар ҳамда АҚШ, Буюк Британия, ГФР, Испания, Италия, Франция каби ривожланган мамлакатларнинг жиноят-процессуал қонунлари таҳлилига асосланиб, гувоҳнинг қуйидаги белгилари очиб берилган, яъни гувоҳ сифатида: 1) оддий фуқаролар 2) уюшган жиноий гуруҳлар таркибига киритилган шахслар ҳам жалб этилиши мумкин; 3) тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг доимий штатига киритилмаган “яширин” ходимлар; 4) тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлари билан махфийлик асосида ҳамкорлик қилувчи шахслар кўрсатилган.

Жиноят процесси принциплари давлатнинг мазкур фаолиятидаги сиёсатининг мазмун-моҳияти, стратегияси ва вазифаларини, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари тизимини ҳамда одил судловни амалга ошириш табиатини белгилайди. Тадқиқотчи айнан жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тўғрисидаги принциплар жиноят процессининг асосий йўналтирувчи омил деб ҳисоблайди.

Ишда Г.Тўлаганова, С.Раҳманова, А.Тошпўлатов ва бошқа олимлар фикрларининг таҳлили асосида, муаллиф принципларнинг аҳамияти: биринчидан, улар жиноят процессининг ошкоралиги ва инсонпарварлигини ёрқин ифода этади, унинг тузилишини ва тизимини белгилайди; иккинчидан,

жиноят-процессуал нормалар ва айрим жиноят процессуал ҳуқуқи институтларни янада такомиллаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади; учинчидан, жиноят процесси принциплари амалиётда аниқ мазмунини англаш мураккаб бўлган жиноят-процессуал нормаларни шарҳлаш ва қўллашда ишончли асос ҳисобланади, деган нуқтаи-назарни қўллаб-қувватлаган<sup>6</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 19-моддасида “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш” белгиланган принциплар аввало, давлатнинг инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича конституциявий мажбурияти билан белгиланиши (Конституция 13-модда) мустаҳкамланган. Жиноят процессининг “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш” принципи мазмунида муҳим қоидалар акс эттирилган бўлиб, улар умум томонидан қабул қилинган ва умуммажбурий характерга эгадир. Уларнинг мажмуи инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро талабларни белгилайди, аммо улар турли функцияларни бажаради. Булар: 1) давлат муҳофазаси қонунийлик принципига мувофиқ амалга оширилади; 2) ЎЗР Конституциясига мувофиқ давлат ўз зиммасига инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш бўйича мажбурият олган; 3) хавфсизлик чоралари халқаро умум эътироф этилган ҳуқуқий институт бўлиб, давлат томонидан таъминланади; 4) жиноятдан жабрланган шахсларнинг (жамият, давлат) ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноят процессининг мақсад ва вазифалари билан бевосита боғлиқдир (ЖПК 2-моддаси); 5) жиноят процессининг барча даврлари ва босқичларида иштирок этади ва бу унинг мажбурий ва кафолатланганлигини англатади; 6) уларнинг ижтимоий жиҳатдан зарурияти шахс манфаатларига, унинг хавфсизлигига таъсир қилишида намоён бўлади; 7) энг муҳим инсоний қадриятлар (ҳаёт, соғлиқ, мол-мулк, шаъни, кадр-қиммати) давлат томонидан муҳофаза қилинишини кафолатлайди (ЖПК 270-моддаси); 8) фуқаролар ҳуқуқий онгини шакллантиришда тарбиявий ва профилактика хусусиятига эга; 9) фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа инсонлар (жамият, давлат)нинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларига путур етказмаслиги лозим (Конституция 20-моддаси); 10) давлат муҳофазаси прокурор назорати ва идоравий назорат остида амалга оширилади; 11) инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш зарурати вужудга келган тақдирда, ваколатли мансабдор шахслар ўз ваколатлари доирасида махсус процессуал чоралар қўллаш ҳуқуқига эгадирлар (ЖПК 19-моддаси); 12) жиноят процессининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, шахсга доир маълумотларнинг махфийлиги таъминлаш учун бошқа принципларининг ҳаракати чекланиши мумкин; 13) шахсга доир маълумотларни сир сақланиши зарурати нафақат исботлаш жараёнининг самарадорлигини ошириш, балки одил судловни хавфсиз амалга ошириш учун ҳам хизмат қилади; 14) давлат ҳимоя чоралари конституциявий тузум асосларини, бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, мол-мулки ва қонуний

<sup>6</sup> Ушбу олимларнинг асарлари фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакат муҳофаази ва давлат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қўлланилади; 15) жиноят процесси ҳуқуқининг принципларининг ўзаро боғлиқлиги унинг тизимли тушуниш, қонунда белгиланган шартларни ҳисобга олган ҳолда, хавфсизлиги таъминланган шахсга таҳаллус мақомда иштирок этиш имконини беради; 16) таҳаллус остида иштирок этиш қарама-қарши томоннинг шахсга доир маълумотларига кириш ҳуқуқини чекланишини назарда тутуди, аммо бу айблов ва ҳимоячи манфаатлари мувозанатини бузмайди ва жиноят ишида далилларни текшириш учун тенг имкониятларини ҳам беради.

Диссертация ишининг **“Жиноят процессида таҳаллус остидаги шахсларнинг кўрсатмаларидан фойдаланиш”** номли иккинчи бобида таҳаллус остида қатнашаётган шахсларнинг кўрсатмаларидан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари, дастлабки тергов босқичида таҳаллус остидаги шахсларни сўроқ қилиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлашнинг ўзига хос процессуал-ҳуқуқий ва ташкилий-функциявий жиҳатлари ўрганилган.

Диссертантнинг нуқтаи назарича, исботлаш одил судлов юритувининг марказий ва мунтазам такрорланиб турувчи асосий муаммоси ҳисобланади. Зеро иш ҳолатларини тўғри ва тўлиқ аниқлаш ҳақиқатга эришишнинг асосий шarti, қолаверса унинг ягона процессуал-ҳуқуқий воситасидир. Шу боис тадқиқот ишида исботлаш тушунчасига оид турли илмий ёндашувлар, жумладан: Б.Миренский, А.Р.Белкин ва А.Б. Азизхўжаевларнинг исботлаш фаолиятининг процессуал аҳамияти ва вазифаларига доир фикрлари таҳлил қилиниб, гувоҳ кўрсатувларининг исботлаш фаолиятидаги ўрни ва ролини асослашга ҳаракат қилинади<sup>7</sup>.

Диссертация ишида таҳаллус остидаги шахсларнинг кўрсатмаларини далил ўрнида қабул қилиш мезонлари сифатида қуйидагилар сифатида ажратиб кўрсатилган: а) тегишли субъект томонидан қонунда назарда тутилган манбадан олинганлиги; б) қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда, яъни далиллар мақбуллигининг барча элементларига риоя қилган ҳолда олинганлиги; в) далил манбасининг ўзига хос хусусиятларини акс эттириши; г) тегишли шахсни таҳаллус остида сўроқ қилишда қонуний тўсиқларнинг йўқлиги; д) шахсга доир маълумотларни сир сақланиши, бошқа жиноят иши материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини чекламаслиги.

Изланувчининг нуқтаи назарича, таҳаллус остида қатнашаётган шахсни сўроқ қилишда қуйидагиларга эътибор бериш лозим: 1) сўроқ қилиш баённомасида таҳаллус остида сўроқ қилинаётган шахснинг шахсини идентификация қиладиган саволлар беришдан чекланиш; 2) сўроқ қилинувчининг шахсини аниқлаш имконини берувчи маълумотларнинг акс этилишига йўл қўймаслик; 3) таҳаллус остида сўроқ қилинаётган шахс ва ишда бошқа иштирокчилар билан алоқа ўрнатиш имконини бермайдиган тергов ҳаракатларини ўтказиш; 4) ҳимоя қилинаётган шахсни унга нисбатан давлат ҳимоя чоралари қўлланилганлиги тўғрисида олдиндан хабардор қилиш; 5)

---

<sup>7</sup> Ушбу олимларнинг асарлари фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.



жиноят иши материалларида ҳимоя қилинган шахсни идентификация қиладиган (фото, видео ва бошқалар) фойдаланмаслик лозим.

Диссертант жиноят процесси иштирокчиларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, биринчи навбатда, жиноятга оид ишончли далилларни тўплаш имконини беради, иккинчидан эса, жиноятчиликга қарши курашиш соҳасидаги муаммоларини ҳал қилиш учун қафолат бўлади, учинчидан, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишга йўналтирилади, деган фикрларни асослантирган.

Ишда таҳаллус остида иштирок этаётган шахсларнинг кўрсатувларининг далил сифатида қабул қилиниши унинг тўғри манбаси ва уларни олишнинг тўғри тартиби мезонларга қўйилган қўшимча талабларга боғлиқ. Таҳаллус остида иштирок этаётган шахсларнинг кўрсатувларини қабул қилиш мезони сифатида тегишли манбага қўйиладиган қўшимча талаблар фақат жиноят процессуал қонунда назарда тутилган асослар ва шартлар мавжуд бўлган тақдирдагина гувоҳнинг анонимлигини таъминлашдан иборатдир. Диссертациянинг иккинчи бобида таҳаллус остида иштирок этаётган шахсларнинг кўрсатувларини қабул қилиш мезони сифатида тегишли процесс дастлабки тергов ва суд муҳокамаси босқичларида ушбу иштирокчиларни сўроқ қилишнинг умумий қоидаларини ифодалаган.

Олиб борилган тадқиқот натижалари ЖПКнинг: 123-, 127-, 220-, 236-, ва 270-моддалари биринчи қисмларига, хавфсизлик чоралари терговга қадар иш юритиш жараёнида аризага, хабар берувчига, жиноятдан жабр кўрган шахсга, жиноят шохидига ёки жиноятнинг олдини олишга ёхуд уни фош этишга қўмаклашувчи шахсларга жорий этиш борасидаги ўзгартириш киритиш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқган.

Диссертациянинг **“Суд муҳокамасида суд томонидан кўриладиган хавфсизлик чоралари”** деб номланувчи учинчи бобида суд муҳокамасини тайёрлаш босқичида хавфсизлик чораларини қўллашнинг умумий тавсифи, ёпиқ суд мажлиси босқичида таҳаллус остидаги шахсларни сўроқ қилишнинг ўзига хос жиҳатлари ва суд босқичида процесс иштирокчиларнинг хавфсизлигини таъминлашга оид айрим хорижий давлатлар тажрибаси кўриб чиқилган.

Муаллиф Г.З., Тулаганова, А.С. Абдуллаев, А. Ю. Епихин ва Л.В. Брусницин каби олимларнинг фикрлари билан мунозарага киришиб, ёпиқ суд мажлисини ўтказиш учун асослар мавжуд бўлганда, хавфсизликни таъминлаш бўйича қуйидаги қўшимча чоралар қўлланиши мумкин: таҳаллус остида иштирок этаётган шахсларни хавфсизлигини таъминлаш мақсадида хавфсиз хона ташкил этиш ва жамоатчилик иштирокисиз сўроқ қилиш; суд муҳокамаси иштирокчиларидан ва суд залида ҳозир бўлган бошқа шахслардан жиноят процесси жараёнида уларга маълум бўлган маълумотларни ошкор этмаслик тўғрисида тилхат олиш; ҳимояланган шахсларга оид маълумотларни танишиб чиқиш ҳуқуқи эга бўлмаган шахслардан сир тутиш чораларини кўриш; ҳимоя остидаги шахсларнинг суд муҳокамасида таҳаллус билан иштирок этиши (ўзгартирилган биографик маълумотлар, шу жумладан ҳукмда

тахаллусдан фойдаланиш); тахаллус остидаги шахсларни кузатилишини истисно қиладиган шароитларда судга етказиш назарда тутади, деган фикрни асослаган.

Ишда, суд мажлисининг хавфсизлигини таъминлаш жараёнида суд фаолиятини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 19, 91<sup>2</sup>, 127, 270, 375, 380-моддалари таҳлил қилинган. Суд фаолиятининг турли босқичларида хавфсизлик чоралари тўғрисида қарор қабул қилишнинг ўзига хослиги кўрсатиб берган.

Тадқиқотчи, суд мажлисида хавфсизликни таъминлаш жараёнида тарафларнинг ҳуқуқлари мувозанатда бўлиши керак деган фикрга келган. Мувозанат деганда маълум бир тенглик, яъни тарафларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ўзаро тортишуви асосида амалга ошириш нисбатини асослаб кетган. Бундай тенглик жиноят процессуал ва бошқа процесс иштирокчилари хавфсизлигини (шахсий қонуний манфаатлар) таъминлаш воситаларини қўллаш орқали ўрнатилиши мумкин, бу эса ўз навбатида давлат органларининг олдига қўйилган вазифаларини бажаришига ёрдам беради. Шу мақсадда, ЖПК 442-модданинг иккинчи қисмини такомиллаштириш зарур деган хулосага келган, яъни “Жабрланувчи, гувоҳ ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини хавфсизлигини таъминлаш зарурати мавжуд бўлганда, суднинг асослантирилган ажрими билан унга берилган саволларга ёзма равишда жавоб бериш мумкин. Ушбу ҳужжатлар судга тақдим этилади ва жиноят иши ҳужжатларига қўшиб қўйилади”.

Диссертацияда МДХга аъзо давлатлар, шунингдек “континентал Европа” ва “инглиз” судлови анъаналарига амал қилувчи мамлакатларнинг норматив-ҳуқуқий амалиётларининг таҳлили асосида, Л.В. Брусницин, О.А. Зайцев, К.М. Келли, С.Л. Будилин, Б.Мўминов, Й.Рахимов, Ю.В.Паукова, А.Ю. Епихин, Е.А. Дикусар ва бошқа процессуалист олимларнинг мулоҳазаларини таҳлил қилган ҳолда, судда жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича мақомини такомиллаштиришни назарда тутувчи илмий хулосалар илгари сурилади, тегишли процессуал-ҳуқуқий нормаларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга доир (ЖПК 29, 393, 396, 442, 471, 586<sup>6</sup>-моддаларига) ҳамда жабрланувчилар, гувоҳлар, гумон қилинувчилар ва жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслар, уларнинг оила аъзолари ва яқин қариндошлари хавфсизлигини таъминлаш бўйича янги 270<sup>1</sup>-моддани жорий этишга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Диссертацияда жиной иш бўйича суд муҳокамаси иштирокчилари учун хавфсизлик чоралари таснифи келтирилган: 1) ёпиқ суд мажлиси; 2) жиноят процесси иштирокчиларининг илтимосномасига кўра аудио- ва видеоёзувдан ҳамда видеоконференцалоқа режимида ўтказилиши мумкин; 3) суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахслар рўйхатида уларни тахаллуслари кўрсатилиши; 4) жиноят иши жиноят содир этилган жойдан, бошқа жойда суд муҳокамасини кўриш хавфсизлик чораларининг бир тури сифатида кўрилиши мумкин; 5) гумонланувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчига, гувоҳга, худди шунингдек уларнинг қариндошлари ва яқинлари телефонлар ва бошқа

телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш.

Диссертациянинг якунида, суд босқичларида хавфсизликни таъминлаш учун жиноий процессуал ва ташкилий воситаларнинг етарлича кенг арсенали мавжуд ва қўлланилади, деган хулосага келади. Агар қонунда белгиланган асослар мавжуд бўлса, жиноий процессуал хавфсизлик объектларини ҳимоя қилиш суднинг барча босқичларида Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар назарда тутилган хавфсизлик чораларини қўллаш орқали эришиш мумкинлиги асослантирилган.

## ХУЛОСА

Суднинг жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашнинг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

**I. Суднинг жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ жиноят-процессуал ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштиришга оид илмий-назарий хулосалар:**

1. Хавфсизлик чоралари нафақат процесс иштирокчиларига, яъни жиноят-процессуал мақоми аллақачон аниқланган фуқароларга, балки ҳали мақоми белгиланмаган терговга қадар иш юритиш ва жиноят процессуал муносабатлар соҳасида иштирок этувчи бошқа иштирокчиларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин. Булар: 1) аризага; 2) хабар берувчига; 3) жиноятдан жабр қўрган шахсга; 4) жиноят шохидига; 5) жиноятнинг олдини олишга ёхуд уни фош этишга кўмаклашувчи шахсларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин.

2. Дастлабки тергов босқичида одил судловга кўмаклашаётган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш чораларини қўллаш жараёни қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга: **а)** ҳимоя қилинадиган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва тегишли процессуал қарорлар қабул қилиш жараёни иштирокчиларининг қонуний манфаатларига таҳдид солиши учун этарли асосларга таянади; **б)** шахсларга хавфсизлик чорасини қўллашни кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда суриштирув, тергов органи раҳбари билан келишилган ҳолда, прокурорни кейинчалик дарҳол ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, қўллаш мумкин; **в)** жиноят ишини юритаётган шахсларга ЖПКнинг 19, 127, 270, 375, 380-моддаларида назарда тутилган хавфсизлик чорасини қўллашга ҳақли; **г)** дастлабки тергов босқичида жиноят-процессуал хавфсизлик чораларини қўллаш "Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларининг ҳимоя қилиш тўғрисида"ги ЎРҚ-515-сонли қонунда белгиланган давлат ҳимояси чораларини параллел равишда қўллаш билан бирга бўлиши мумкин; **д)** одил судловга кўмаклашаётган шахсларнинг давлат ҳимояси ва хавфсизлигини таъминлаш ҳам давлат муҳофазаси чораларини амалга оширувчи органлар томонидан ҳам,

тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар томонидан ҳам тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш билан бирга амалга оширилиши мумкин.

